

# #Uzb35 #Mustaqillik35 Энерго ускуналарнинг узлуксиз ишлашини таъминловчи муҳим бўғин

// 24.07.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/Chirchiq20260724>

"Махам-Чирчиқ" Аждаги марказийлаштирилган энерго ускуналарни таъмирлаш цехининг асосий вазифаси – корхонанинг энерго ускуналарини таъмирлаш бўлиб, бунга мураккаб ва ноёб ускуналарни созлаш, электр ускуналарини синаш, портлашга чидамли ускуна ва электр ўзгартиргичларни созлаш, таъмирлаш, профилактика ишлари ва бошқалардир.



Цех таркибига олтита асосий ишлаб чиқариш участкаси киради:

Трансформатор ва электромоторларни таъмирлаш участкасида 200 кВт ва ундан юқори қувватдаги йирик ўлчамли электромоторлар ва трансформаторлар таъмирланади.

Ўров участкаси универсал бўлиб, бу ерда ҳар хил турдаги техник жиҳозлар, айниқса йирик электромоторлар учун тўлиқ ўров ишлари бажарилади.

Электротехника лабораторияси цехнинг ўзига хос сифат назорати бўлиб, таъмирдан чиққан ҳар қандай ускуна шу ерда текширилади ва ундан кейингина ишлаб чиқаришга йўл олади.

Технологик цехлардаги электр ускуналарни таъмирлаш участкаси корхонадаги барча технологик цехларда жойлашган электр ускуналарни тезкорлик билан ўз вақтида ва ўз жойида таъмирлашга ихтисослашган.

Қозон ускуналарини таъмирлаш участкасида корхона ҳудудидаги барча қозон ускуналари таъмирланади.

Электромеханика участкаси фақат цехга тегишли бўлган электр ускуналарини таъмирлашга

ИХТИСОСЛАШГАН.



